



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSTITUTI
BUYRUQ**

Toshkent, sh.

«24» август 2023 у. № 316

Замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдалана оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган профессор-ўқитувчиларни саралаб олиш мақсадида

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларида молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида:

БУЮРАМАН

1. Ўқув ишлари бўйича проректори Қ.Хайтов, юрист С. Горюнова, кадрлар бўлими бошлиғи Н.Шаюсуповаларга:

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 июлдаги ПҚ-216-сонли қарорига муовифиқ Замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдалана оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган профессор-ўқитувчиларни саралаб олиш мақсадида танлов низоми ва тартиблари ишлаб чиқилсин.

2. Кадрлар бўлими бошлиғи Н.Шаюсуповаларга:

Барча профессор -ўқитувчилар ва тўторлар билан меҳнат шартномасига келишув асосида ўзгартириш киритилсин. 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб профессор -ўқитувчилар ҳамда тўторлар муддатли шартнома асосида ишга қабул қилинсин ҳамда шартномалар ўз вақтида имзоланиши назоратга олинсин.

3. Илмий кенгаш котиби Х. Акрамовага:

ТошПТИ профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом институт кенгашдан тасдиқланиши таъминлансин.

Ректор


Б.Т.Даминов

